

Ким эдигу ким бўлдик?

"Халқаро почта": Йирокларни яқин қилиб...



"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятининг "Халқаро почта" филиали республикага кирувчи ва чиқувчи халқаро хат-хабарлар, даврий матбуот нашрлари ва жўнатмаларни саралаш ва ташишдек муҳим ишларни амалга ошираётган корхона бўлиб, бу ерда фаолият кўрсатаётган 300 нафардан ортиқ ходим дам олиш қўлларисиз, кечасию кундузи иш билан банд. Корхона ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро почта алмашуви жойи сифатида Ўзбекистон почта иттифоқига аъзо бўлган юздан ортиқ мамлакатлар билан доимий равишда халқаро почта алмашувини амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан, 28 мамлакат (21та узоқ хориж ва 7та МДХ) билан халқаро почта алмашуви "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпания рейслари орқали тўғридан-тўғри олиб бориляпти.

3-бет

УШБУ СОНДА:

Сўнги янгилик!

Cliris SA Швейцария стартапи кўзойнақларни автомат тозалаш қурилмасини тақдим этди. Cliris гаджети кўзойнақни 4 дақиқада тозалайди, дезинфекция қилади, қурилади ва агар истак бўлса ёқимли ҳид ҳам таратади. Бундан ташқари, Cliris ойналарнинг қирилган жойларига ҳам қайта ишлов беради.



Мазкур барча жараёнлар ултратовуш ва биодegradация суяқлиги билан амалга оширилади. Фақат — гаджет электр тармоғига уланса ҳамда махсус кўчма мосламага жойлаштирилса бўлгани. Қурилма идишчаси суяқлик билан тўлдирилади. Яратувчиларнинг фикрига кўра, Cliris қуввати 40 Ваттдан ошмайди.

Қулай, тезкор, самарали	2
Ўзбекистон учун 50 фоизлик чегирма	4
Миллий қадриятлар — ўзлимиз тимсоли	5
Автоматизация школьных библиотек	6
Асрий орзулар рўёби	8-9
Эзгулик ниқобидаги ёвузликлар	10

Jumadan Jumagacha

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 июл куни Оқсаройда АҚШ Қурулди Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар муҳокама қилинди.

● Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар келмоқда. Жумладан, Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Хусайн, Умон Султони Қобус бин Саид, Кувайт Давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Ислам ҳамкорлиги ташкилотини Бош котиби Ийяд бин Амин Маданий, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обама, БМТ Бош котибининг ўринбосари, ЭСКАТО ижрочи котиби Шамшад Ахтар ўз табрикларини йўллаганлар. Кутловлар келиши давом этмоқда.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Р.Ирматовни "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

● 2014 йил 30 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида қаъриш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Термиз шаҳрида сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури ҳамда миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил сўз юритилди.

● Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларидаги "Зумрадойлар давраси" тўғраги фаолиятини самарали тарзда йўлга қўйишга оид республика семинари ташкил этилди.

Қулай, тезкор,

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиш, фаолиятини рағбатлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан айни шу мақсадларга йўналтирилган ахборот технологиялари маҳсуллари амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Айниқса, қўмитанинг расмий www.soliq.uz сайти ахборот айрибошлаш ва тарқатиш тезкорлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг вақти, моддий ресурсларини тежашда, солиқ хизмати органлари фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлигини ошириш орқали солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришда аҳоли иштирокининг фаоллашувиغا хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятланиди.

Айни дамда мазкур сайт орқали 33та давлат интерактив ва бошқа қўллаб-қувватлаш электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Улар орасида энг оммалашгани "Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш" интерактив хизматиدير.

Солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш тизими ўзининг қатор қулайлик ва афзалликлар билан ажралиб туради. Хусусан, тизимдан фойдаланилганда:

- солиқ ва молиявий ҳисоботлар автоматик тарзда электрон кўринишда шаклланади;
- солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва молиявий ҳисоботларини қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш жараёни автоматлашади;
- ягона маълумотлар базаси шаклланиб боради;
- солиқ тўловчиларнинг солиқ ва молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун кетадиган вақт ва моддий харажатларни тежайди;
- ҳисоботларни солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига киритиш, ахборотларни қайта ишлаш жараёнлари автоматлашади, тезкор маълумотлар

самарали



олиш имкониятини беради.

Ушбу интерактив давлат хизматидан фойдаланувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, айниқса, янги ташкил этилган юридик шахсларнинг масъул ходимларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, республикадаги ҳар бир давлат солиқ хизмати органларида доимий равишда ҳафталик ўқув-машгулотлари ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ҳисоботларини электрон кўринишда топши-

тўловчиларга ҳисоботларни электрон тартибда юбориш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Солиқ тўловчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида 2014 йилда "Ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини узайтириш юзасидан аризаларни қабул қилиш", "Эркин муомаладаги валютага экспорт қилинганда имтиёз ва преференциялар берилишининг асосланганлиги бўйича ариза-маълумотнома қабул қилиш", "Солиқ солиш тартибини белгилаш бўйича хулосалар бериш", "Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар тўғрисида маълумотномаларни тақдим этиш", "Ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш", "Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни рўйхатга олиш бўйича электрон аризаларни қабул қилиш" каби интерактив хизматларни жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилаётган барча тадбирлар мамлакатимизни янада демократлаштириш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни ривожлантиришга қаратилган.

Одилхўжа НАБИЕВ,
Юридик шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан республика-миз бўйича 548та ахборот-ресурс маркази ташкил этилган.

ришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан республика-миз бўйича 548та ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Мазкур марказларда интернет тармоғи йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳисоботларини электрон тартибда топшириш имкони мавжуд бўлмаган солиқ

Истиқлол солномаси

1995 йил

- ✓ Наманганда рақамли электрон ва шаҳарлараро автомат телефон станциялари ишга туширилди.
- ✓ Чирчиқ шаҳрида "Чирком" кўшма корхонаси ташкил қилинди.
- ✓ Фарғона шаҳрида оптик толали алоқа линияси фойдаланишга топширилди.
- ✓ Интернет тармоғида мамлакатимизнинг юқори ".UZ" домени яратилди.

1996 йил

- ✓ "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвони тасдиқланди.
- ✓ "Ўзбектелеком Интернейшнл" кўшма корхонаси иш бошлади. Жиззах, Самарқанд, Қарши ва Термиз шаҳарларида унинг филиаллари очилди.
- ✓ "АЛСКОМ" суғурта компанияси ташкил қилинди.
- ✓ Сирдарё, Бухоро, Андижон, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятларида 150 минг рақамли телефон станциялари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

◀ 1-бет

Бир пайтлар собиқ иттифоқ ҳудудидаги республикалар билангина алоқада бўлган "Халқаро почта" филиали истиқлол шарофати билан дунёнинг шунча мамлакатига чиқаётгани кўнгилларда гурур уйғотиши табиий, албатта.

"Халқаро почта" филиали алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги халқаро почта айирбошлаш объекти бўлиб, айна пайтда бу ерда 100га яқин компютер ва иккита сервер ишлаб турибди. Цех ва участкаларда 1995 йилдан 2004 йилга қадар MS DOS тизимида ишлатиладиган дастурлар ва эски русумдаги компютер техникалари ишлатилиб келинган эди. 2004 йилдан



Абонентлар бўлимида почта жўнатмалари қабул қилиниб, эгаларига тарқатилади.



"Халқаро почта": Йироқларни яқин қилиб...

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва филиал ўртасидаги маълумотлар алмашуви узуксизлигини таъминлаш мақсадида электрон тармоқ ташкил этилди.

Филиал томонидан почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва жўнатиш иш самардорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида "Почта хат-хабарлар ўтишининг автоматлашган янги тизими"ни ишлаб чиқариш ва амалга киритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мазкур лойиҳа босқичма-босқич бажарилди. Лойиҳа бўйича биринчи босқичда Р1-1 цехининг (МДХ ҳужжатларга ишлов бериш), МДХ хат-хабарларига ишлов бериш, Р1-28 участкалари ва почта айирбошлаш ва алмаштириш цехи (Р1-7)га дастур яратиб ўрнатилиши кўзда тутилган эди ва бу иш 2004-2007 йиллар ичида амалга оширилди.

2005 йили автоматлаштириш ишларини давом эттириш мақсадида янги дастур яратилиб, филиалнинг почта айирбошлаш ва алмаштириш цехларига (Р1-7) ўрнатилди.

2006 йили филиалнинг Р1-2/3 цехларида Бутунжаҳон почта иттифоқи стандартига мувофиқ штрихкодланган жўнатмаларни етказишда назорат тизимини жорий этиш бўйича дастур ишга туширилди. Шунингдек, узоқ ва яқин хориждан Ўзбекистонга кириб келаётган жўнатмаларни юборувчидан то олувчига ўтиш йўлини назорат қилиш мақсадида дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган жўнатмаларни штрихкодлаш дастури ўрнатилди.

Биз филиалда иш қизғин бўлишига қарамай, айрим цех ва участка бошлиқлари билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

Умид ҚУРБОНОВ,
почта ва матбуотни автотранспортда
ташиш цехи бошлиғи:

— "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Халқаро почта" филиали тасдиқланган йўналишлар жаъвалари асосида Тошкент — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари — Тошкент йўналишлари орқали кечаю кундуз почта алмашинуви амалга оширадиган ягона корхона ҳисобланади.
Ҳозирги кунда цехимизда 12та юк автома-



Божхона пости инспектори Тимур Пак
жўнатмалар назорати пайтида. Бу ерда
кунига 1000га яқин жўнатмалар назорат-
дан ўтказилади.

шинаси фаолият кўрсатмоқда. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбариятининг бевосита ёрдами билан ҳар йили иккитадан автомашина сотиб олиш ҳисобига автопаркимиз мунтазам янгиланиб турилмоқда. Бундан ташқари, автотранспорт воситаларига ўз муддатида техник хизмат кўрсатилмоқда. Диспетчерлик боғламаси ва тиббий ходим билан биргаликда сафарга кетишдан олдин ҳайдовчиларнинг умумий жисмоний ҳолати текширувдан ўтказилади.

Филиалда ишлов берилиб, республика ички автомобиль магистрал йўналишларида ташилаётган барча почта жўнатмалари ва даврий матбуот нашрларининг сақланишини таъминлаш бўйича доимий тарзда назорат ишлари олиб борилмоқда.

Филиалимиз ва "Newmax Technology" МЧЖ ўртасида Teltonika FM 2200 GPS қурилмасини (антеннаси билан) етказиб бериш, монтаж қилиш, инсталляция, фаоллаштириш, ўрнатиш ва ходимларни ўқитиш бўйича шартнома имзоланган.

Шартнома асосида "Newmax Technology" МЧЖ мутахассислари томонидан ўнта GPS қурилмаси Teltonika FM 2200 жамланмаси "Халқаро почта" филиалининг ўнта почта

ташиш юк автомашиналарига ўрнатилди ва ҳозирги кунда ҳар бир автомашинадаги қурилмадан унумли фойдаланилмоқда.

Мазкур ҳамкорлик доирасида "Халқаро почта" филиалининг диспетчерлик хизмати боғламаси смена диспетчерлари ўқитилди.

Искандар НУРМУХАМЕДОВ,
почта хавфсизлиги хизмати
участкаси бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябрдаги "Почта хавфсизлиги хизматини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ қошида почта хавфсизлиги хизмати ташкил этилган ва мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан Почта хавфсизлиги хизмати тўғрисида низом, 2-иловага асосан Почта хавфсизлиги хизматининг тузилмаси тасдиқланган.

Почта хавфсизлиги хизматини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Филиалимизда ҳозирда 75та видеокамера ишлатилмоқда. Улар ёрдамида ҳар бир иш жойида халқаро почта жўнатмаларига берилаётган ишлов жараёнлари ПХХ видеокузатув инспекторлари томонидан назорат қилинади. Шунингдек, халқаро почта жўнатмаларини кўрсатилган манзилларига етказиб беришда изчил назорат йўлга қўйилган.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
халқаро цех бошлиғи:

— "Халқаро почта" филиалнинг Р1-2/3 цехларида БПИ стандартига мувофиқ штрихкодланган жўнатмаларни етказишда назорат тизимини жорий этиш бўйича "REBIC" фирмаси томонидан яратилган дастур ишга туширилган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Халқаро почта" филиалининг узоқ ва яқин хориждан Ўзбекистонга кириб келаётган посылкаларни юборувчидан то олувчига ўтиш йўлини назорат қилиш мақсадида "REBIC" томонидан дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган жўнатмаларни штрихкодлаш дастури ўрнатилган. Мазкур дастур ёрдамида барча жўнатмаларнинг штрихкодлари (уларга бириктирилган тартиб рақами) сканер ёрдамида компютерга киритилади, киргизилган маълумот халқаро интернет тармоғидаги "Ўзбекистон почтаси" сайтига жойлаштирилади.

Шунингдек, цех ходимлари билан янги тасдиқланган ва амалга киритилган норматив ҳужжатларни ўрганиш бўйича ҳам мунтазам равишда ишлар олиб борилади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Хабар" мухбири



биринчи бўлиб сотиб олинди ва ишга туширилди. Мазкур қурилма почта жўнатмаларидаги портловчи ва наркотик моддаларни аниқлашда фойдаланилади.

Xalqaro haqot



● АҚШ Президенти Барак Обама Россияга қарши янги санкциялар жорий қилиниши ҳақида маълум қилди. У санкция қўлланганидан бирор ташкилотнинг аниқ номини айтиб ўтмаган. Янги санкциялар давлатга қарашли кема ишлаб чиқариш, нефт ва газ соҳаларига тегишли бўлиши таъкидланмоқда. Бундан ташқари, Россия давлат банкларига Европадаги молия бозорлари ёпилади. Жумладан, европаллик акциядорлар учун акциялар сотиш тақиқланади.

● ИСРОИЛ Бош вазири Биньямин Нетаняху Ҳазо минтақасида олиб борилаётган жанглар узоқ муддат давом этиши мумкинлиги билан огоҳлантирмоқда. У Исроил армияси ўз олдида қўйган мақсади — ҲАМАС жангарилари томонидан Исроил ҳудудига ўтиш учун фойдаланиладиган трансчегаравий ер ости йўлларини йўқ қилмагунча тўхтамаслигини таъкидлаган.

● ВАШИНГТОНда Украина Ташқи ишлар вазири Павел Климкин АҚШ давлат котиби Жон Керри билан учрашди. Сўхбат чоғида томонлар Украина шарқдаги вазият ва Малайзиянинг "Боинг" самолёти ҳалокатини тергов қилиш ишларининг ҳолатини муҳокама қилди.

Украина ташқи сиёсий идораси раҳбари Павел Климкин Киевнинг ҳалокатни тадқиқ этишда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

● ЛОТИН АМЕРИКАСИдаги бешта давлат — Эквадор, Бразилия, Чили, Перу ва Салвадор Ҳазо секторидagi воқеалар туфайли Исроилдан ўз элчиларини чақириб олишга қарор қилди.

Ушбу давлатлар ҳукуматлари Исроил томонидан номутаносиб равишда куч қўлланилишини қоралади ва ўт очишни тўхтатишга чақирди. Чили Ҳазо секторидagi Исроил олиб бораётган операцияни "Фаластин халқини оммавий жазолаш" деб атаган бўлса, Перу ушбу ҳаракатлар халқаро ҳуқуқнинг яна бир марта бузилиши эканини таъкидлади.

● РОССИЯ Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Москва Ҳарбнинг санкциялари борасида ўз фикрини билдириб, шундай деди: "Бизда санкциялар учун қасос олишга ундаётган сиёсатчилар бор. Бироқ, биз вазиятга соғлом фикр билан ёндашишни истаймиз. Президент санкцияларни эътиборга олмаганининг иложи йўқлигини айтди, лекин биз жазавга тушмаймиз ва зарбага зарба билан жавоб қайтармаймиз — бу катта давлатга ярашмайди".

● ҚОЗОҒИСТОН пойтахти Остонада велотакси қатнай бошлади. Velomobile компанияси менежери Амирхан Ашеновнинг маълум қилишича, айни пайтда ўнта велотакси мавжуд, келгусида уларнинг сонини юзгага етказиш ва ҳозирча марказда ҳаракатланаётган велотаксилар хизматини шаҳар бўйлаб йўлга қўйиш режалаштирилган. Йўл ҳақи 1000-2000 тенге (5-10 доллар) атрофида.

Ёш тадбиркорлар АҚШда велотакси соҳасида ишлаб, Қозоғистонда ҳам шундай бизнесни йўлга қўйишга қарор қилишди. Велотаксининг асосий қисмлари Япониядан келтирилган ва Остонада териб чиқилган.




Харидоргир Xiaomi Mi3

Шу йилнинг январидан майга қадар сотилган смартфонлар сони бўйича Xiaomi компанияси Appleдан ўзиб кетди. Xiaomi смартфонлари Хитойда сотилган смартфонларнинг 21 фоизини ташкил этади. Компания бу билан 16 фоиз кўрсаткичли машҳур Apple брендидан ўзиб кетди. Xiaomi смартфонларига iPhone "эгизаги" сифатида қарашмоқда. Бироқ у оригиналидан арзонроқлиги сабаб Apple брендини ортда қолдирапти.

Ушбу смартфонлар Хитойдан ташқарида ҳам харидоргир бўлиб турибди. Масалан, Ҳиндистонда Xiaomi Mi3 смартфонлари бир зумда сотилиб кетгани хабар қилинди. Xiaomi компанияси Ҳиндистонда Flipkart — онлайн дўкони орқали Mi3 смартфонларини 5 сонияда сотиб бўлди.

Ўзбекистон учун 50 фоизлик чегирма

Corel компанияси 2014 йилнинг 1 сентябрга қадар давом этадиган акция эълон қилди. Шу муносабат билан Corel компанияси Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мамлакатлари учун CorelDRAW Graphics Suite X7 тижорат лицензиясига 50 фоизлик чегирма жорий этди. CorelDRAW Graphics Suite X7 — график дизайн учун тўлиқ иловалар мажмуасини ўз ичига олган дастурдир.



Расмий тақдимот: Windows Phone 8.1



Microsoft компанияси янгиланган Windows Phone 8.1 мобил амалий тизимини расман тақдим қилди. Windows Phone 8.1 ишлаб чиқарувчилари ушбу тизим аввалиги талқинга нисбатан бир қатор янги функциялари билан фойдаланувчилар эътиборини тортади, деб ҳисоблашмоқда. Windows Phone 8.1 Update 1 талқини келгуси ҳафталарда оммавий равишда чиқарилиши кутуляпти.

Twitterдан ойига 271 миллион киши фойдаланмоқда

Иккинчи чорак аяқунларига кўра, Twitter 312 миллион доллар даромад кўрган. Бу кўрсаткич ўтган чоракда 250 миллион долларга тенг бўлган эди. Ўтган йилнинг иккинчи чорагига нисбатан жорий йилда компания даромади 124 фоизга ошган. Тармоқнинг кўрган фойдаси эса 54 миллион долларни ташкил этган.

Компания ҳисоб-китобига кўра, бугунги кунда Twitterнинг ойлик фойдаланувчилари сони 271 миллионга етган. Ўтган чоракда Twitter фойдаланувчилари ойига 255 миллионни ташкил қилар эди. Бир йил ичида тармоқ фойдаланувчиларининг сони 24 фоизга ошган.

Twitterнинг мобил версиясидан ойига 211 миллион киши фойдаланади. Бу кўрсаткич эса ўтган чоракка нисбатан 29 фоизга ошган. Шунингдек, Twitterнинг рекламадан кўраётган даромадининг 81 фоизи мобил версиядаги рекламаларга тўғри келади.

iWatch ишлаб чиқарилиши 2014 йилнинг охирига қолдирилди



iWatch 2014 йилнинг охирида ишлаб чиқарилиши мумкин. Бу эса Apple ақли соати 2015 йилдан сотилиши мумкинлигини аниқлатади. Бу хабар Тайвандаги ТРК компаниясида бўлиб ўтган конференцияда эълон қилинган. ТРК iPhone ва iPadлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ТРК қумуш нано-симлардан ақли соат учун ўта мос бўлган жуда кичик ва эгилувчан сенсор қисмларини ясаётган кам сонли компаниялардан биридир.

Картошка ва олма ёрдамида қувватлантирилди



Буюк Британияда Nokia Lumia 930 смартфонни симсиз зарядлаш қурилмаси орқали қувватлантирилди. Бунинг учун жами 800та картошка ва олма ишлатилди. Смартфон рекламаси учун табиий зарядлаш мосламасини Келеб Чаленд ихтиро қилган. Бу мослама электр токини картошка ва олмалардан олади.

Матбуот

тарқатувчиларнинг компютер саводхонлиги оширилди

Шиддат билан ривожланиб бораётган техника ва технологиялар барча соҳа вакиллариини замон билан ҳамқадам бўлишга даъват этапти.

"Анджон матбуот тарқатувчи" МЧЖда жамият тассаруфидаги бўлимлар раҳбарлари ҳамда ходимлари учун ўқув курси ташкил этилди. Ходимлар уч кун давомида Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг малакали ўқитувчиларидан "Компютер техникаси, интернет тизими ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш" курси бўйича таълим олдилар.

— Малака ошириш курсида қатнашган барча касбдошларимиз ва мутахассислар ўз фаолиятларида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишда амалий кўникмаларга эга бўлишди, — дейди курс тингловчиси, "Анджон матбуот тарқатувчи" МЧЖ Балиқчи туман бўлими бошлиғи Ҳабибулло Тургунов.

Элмурод ЭРМАТОВ
Анджон вилояти

Тараддуд

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.



Йилгиликда филиал тизимидаги почта алоқаси тармоқларининг эксплуатация ишлари бўйича муҳандислари, ПХХ техниклари ва алоқа бўлимларининг бошқилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига кўрилатган пухта ҳозирлик, аини шу кунларда серкуёш диёримизнинг барча жойларида кенг кўламли тараддуд олиб борилаётганлиги, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Йилгиликда, шунингдек, почта алоқаси ходимлари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Йилгиликда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг ПХХ бўлими бошлиғи Исмаил Маликов иштирок этди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

BUXORODAN DARAKLAR

Ғолиблар

республика босқичида қатнашадилар

15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ўтказилаётган "Юрт келажаги" республика йигитлари ёшлар кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичида 478 нафар навқирон авлод вакиллари иштирок этишди. Уларнинг 43 нафари кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган ёшлар орасида Бухоро муҳандислик-технология институти электротехника ва ишлаб чиқаришда АКТ факултетининг 2-босқич та-

лабаси Алишер Мухторов ҳам бор.

— Даромад ва харажатлари йирик бўлган савдо шохобчаларидаги маҳсулотлар ҳисоб-китобини юритиш билан боғлиқ ишлаб чиққан онлайн дастурим кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати эътиборига тушганидан мамнунман, — дейди

ёш дастурчи. — Келгусида ҳам бу борадаги изланишларимни давом эттираман, албатта.

Мазкур йўналиш бўйича пешқадамлар сафидан ўрин олган Пешку саннат касб-хунар коллежи ўқувчиларидан Ёрқин Ёрқулов, Умид Рустамов, Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси Анзор Аҳмедов, Бухородаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муҳриддин Файратовлар ҳам кўрик-танловнинг республика баҳсларида иштирок этадиган бўлишди.

Миллий қадриятлар — ўзлигимиз тимсоли

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ҳамда шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоалари вакиллари иштирокида ташкиллаштирилган навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ана шундай номланди.

Тадбир давомида миллий қадриятларимиз — ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам, ҳақиқатгўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик сингари фазилатлар, бурч, виждон, ор-номус, масъулият каби ахлоқий тушунчалар шаклида намоён бўлиши алоҳида таъкидланди. Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида бу қадриятлар янгича мазмун-моҳият касб этиб, кишиларимизни интеллектуал жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган 23 йил мобайнида юртимизда буюк аждодлар номлари қайта тикланиб, уларнинг ҳаёти ва ўлмас меросини ўрганиш, табарруқ қадамжоларини оқиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Дарҳақиқат, Ўртабшнинг таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак.

Ҳа, истиқлол бизга ана шундай буюк неъматни, чексиз имконият ва барқарор муҳитни яратиб берди. Миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири эканлиги эса ўз-ўзидан аён. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос тарзида сақланиб келинаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланганлиги бугунги кунда барчага яхши маълум. Зотан, бу умрбоқий қадриятларнинг она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша сингари фазилатларнинг устуворлиги, бошқа халқларга ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва эзгу анъаналар билан тавсифланишида ҳам ҳикмат кўп.

Маънавият ва маърифат ўқуви иштирокчилари республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими тарғиботчиси Жасур Болтаевнинг мавзу доирасидаги маърузасини тингладилар.

ФАКТ



"Буюк Британияда инсоният томонидан 1800 йилдан бери қилинган энг муҳим техник ихтироларни аниқлаш мақсадида 2005 йили сўровнома ўтказилганда кўпчилик велосипедни эътироф этди. Велосипед нафақат интернет ва ички ёнув двигатели сингари ихтироларни ортда қолдирди, балки уларнинг барчаси тўплагандан ҳам кўп овозга эга бўлди.



Махсус ўқув-тактик машқлар

"Ўзбектелеком" АК "Телеком-муникация транспорт тармоғи" филиалининг бешинчи боғламасида навбатдаги махсус ўқув-тактик машқлари ўтказилди. Унинг қатнашчилари мазкур тадбир режасига киритилган бир қатор амалий ишларни бажардилар.

Улар алоқа ва хабар бериш, қутқарувчилар, ўт ўчирувчилар, санитария, жамоат тартибини сақлаш ва панагоҳга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ звеноларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Шунингдек, радиацион ва кимёвий кузатув пости аъзолари ҳам фавқулодда вазиятларда қай тарзда ҳаракат қилишни пухта ўрганиб олганликларини аниқ кўрсата олдилар.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси штаб бошлиғи Акмал Умуоров, фавқулодда вазиятлар бошқармаси қидирув-қутқарув гуруҳи раҳбари Нодирбек Бозоров, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали бешинчи боғламаси бошлиғи Раҳим Жўраев ва бошқалар "Боғлама фуқаро муҳофазаси тузилмасининг ёнгин содир бўлган ҳолатларда вилоят фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракати ва уларни бошқариш" деб номланган ўқув-тактик машқлари иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқиб, навбатдаги машқлар талаб даражасида ташкил этилганлигини эътироф этдилар ҳамда мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдирдилар.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar" нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

ПЕРСОНАЛЬНЫЙ КАБИНЕТ субъекта предпринимательства

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 15 апреля 2014 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию процедур, связанных с осуществлением предпринимательской деятельности и предоставлением государственных услуг", начиная с 1 октября 2014 года, в Едином портале интерактивных государственных услуг Республики Узбекистан будет обеспечено функционирование персонального "кабинета субъекта предпринимательства".

Персональный "кабинет субъекта предпринимательства" станет единой точкой доступа субъектов предпринимательства к интерактивным услугам органов государственного и хозяйственного управления и позволит осуществлять: интерактивное оформление и представление финансовой, налоговой, статистической и других видов отчетности; уплату налогов и других обязательных платежей, коммунальных платежей, сборов и государственных пошлин за рассмотрение и выдачу документов разрешитель-

ного характера и лицензий через систему Интернет-банкинг; получение справок и других видов интерактивных государственных услуг.

Персональный "кабинет субъекта предпринимательства" создается в целях совершенствования деловой среды, создания максимально благоприятного инвестиционного климата, повышения прозрачности деятельности органов государственного и хозяйственного управления, а также в целях упрощения и удешевления механизмов лицензирования и выдачи документов



разрешительного характера, предоставления большей свободы предпринимательству.

Доступ к персональному "кабинету субъекта предпринимательства" будет предоставляться на Едином портале интерактивных государственных услуг. Для идентификации субъектами предпринимательства могут использоваться ключи электронной цифровой подписи Центра регистрации ключей ЭЦП Научно-информационного центра новых технологий Государственного налогового комитета, а также других Центров регистрации ключей ЭЦП.

РЕГИСТРАЦИЯ НА MY.GOV.UZ

с использованием банковской карты

На Едином портале внедрена возможность регистрации с использованием банковских карточек UZCARD EMV.

В результате регистрации карточка пользователя привязывается к его кабинету на Едином портале, сообщается на сайте портала.

Теперь, регистрацию на Едином портале можно осуществить с использованием данных банковской карты UZCARD EMV ("онлайн-карта"), с подключённой услугой SMS-уведомления. Регистрация осуществляется в 2 шага, путём ввода сведений о пользователе и основных данных его пластиковой карточки UZCARD EMV (номер карты и срок действия

карты), а также кода подтверждения, который отправляется пользователю в виде SMS-сообщения. После завершения регистрации, на телефон пользователя приходит сообщение системы Единого портала об успешной регистрации.

Способ в дальнейшем позволит осуществлять платежи напрямую из кабинета пользователя на Едином портале, без повторного ввода данных банковской карты. В первую очередь, такая возможность будет внедрена для проведения платежей за услуги, оказываемые на Едином портале.



Новая почтовая марка Узбекистана, посвященная проведению XVII летних азиатских игр

ОАО "Узбекистон почтаси" подготовлена Государственным комитетом связи, информатизация и информационных технологий Республики Узбекистан введена в обращение с 16 июля 2014 года почтовая марка специального выпуска серии "Спорт на почтовых марках Узбекистана".

Выпуск почтовой марки приурочен к проведению XVII летних Азиатских игр в Республике Корея г. Инчхон. На почтовой марке изображена схватка спортсменов — тазквондистов.

Почтовая марка многоцветная. Печать офсетная. Перфорация марки гребенчатая. Размер почтовой марки 42x30мм. Тираж 10 тыс. экз.

Марке присвоен идентификационный номер 1091 и установлен номинал 1200 сум.



1091. "XVII летние Азиатские игры. Инчхон". Номинал — 1200 сум. Дизайнер — Каневец

Автоматизация школьных библиотек

26 июня 2014 года в Ташкенте была проведена презентация на тему "Автоматизированная информационно-библиотечная система (АИБС) KaDaTa Server и KaDaTa Cloud".

На организованном Центром программистов ВеPro мероприятии приняли участие директора информационно-ресурсных центров школ, входящих в ведомство Министерства народного образования Республики Узбекистан.

Основная цель данной презентации заключается в ознакомлении руководителей библиотек школ с новыми версиями информационно-библиотечной системы.

АИБС KaDaTa Server 3.0 предназначена для крупных библиотек, у которых есть

возможность обеспечивать стабильную работоспособность серверного оборудования. Система устанавливается на аппаратном комплексе (сервере) самой библиотеки. Она обеспечивает доступ к информационным ресурсам библиотек как через локальный сервер, так и интернет, поддерживает автоматизацию всех технологических библиотечных процессов обработки ресурсов и обслуживания пользователей.

АИБС KaDaTa Cloud 3.0 — он-лайн информационная система для малых библиотек, практически со всеми возможностями АИБС KaDaTa Server 3.0, позволяющая без инсталляции системы на собственный аппаратный комплекс (сер-


вер) развертывать свою полноценную библиотечную систему через интернет, при этом, позволяет хранить и работать с данными на удаленном сервере (облаке), осуществлять удаленную каталогизацию, а также онлайн-импорт записей из удаленных каталогов.

В ходе презентации участникам была представлена ознакомительная информация о новых библиотечных системах, их модулях, отличиях от предыдущей версии и основных преимуществах.

По окончании презентации руководители библиотек смогли получить ответы на интересующие их вопросы касательно условий приобретения и использования систем KaDaTa.

Портал ЖКХ

Калькулятор коммунальн



Электроэнергия: 112.20 сум за кВт/ч.


● Без плиты ● С плитой

Кол-во месяцев

1 мес.

0 кВт/ч.

0 сум.



НА САЙТЕ

Ek.uz можно
оплатить за газ

На сайте e-kommunal.uz можно посмотреть состояние своих платежей за природный газ и оплатить услугу через сервис SMS-To'lov.

Заполнив в персональном кабинете графу с лицевым счетом за газ и указав свой район, вы сможете просматривать баланс своих платежей за газ, сообщает Uzinfocom.

Обладатели онлайн-карты могут оплатить за газ через сервис SMS-To'lov. Для этого надо кликнуть по кнопке "Оплатить" (показана красной стрелкой) и ввести сумму платежа, после этого вас "передадут" на сайт SMS-To'lov, где укажите ваш номер карты и пин-код.

Напоминаем, что на сайте можно также посмотреть текущий баланс по оплатам за холодную воду и электроэнергию.



Bedana:

SMS-xabарномалар хизмати

UZINFOCOM маркази SMS-платформа асосида янги хизматни ишга туширди.

Bedana деб номланган ушбу хизмат кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ўз ходимлари ҳамда мижозларига SMS-xabарномалар юборишни ташкиллаштиришда энг қулай ечим сифатида баҳоланмоқда.

Янги хизмат SMS-платформа асосида бўлиб, ўз базаси бўйича ҳар хил SMS-жўнатмаларни, учрашув ҳақида хабарнома ёки табриклар, компания янгиликлари ва шу каби матнларни ташкил этишни таъминлайди.

Сервис асосчилари унинг асосий устунлиги соддалик ва қулайликда деб таъкидлашмоқда. Махсус веб-интерфейс ёрдамида фойдаланувчи бир неча дақиқа ичида керакли бўлган телефон рақамларини киритиб ва уларга хабарномаларни тарқатишни амалга оширади. Шунингдек, тегишли алоқа маълумотлари асосида маълум мезонлар бўйича гуруҳлар шакллантириш имкони ҳам мавжуд.

SMS-xabарномалар тарқатиш орқали ходимларни турли тadbирлар тўғрисида тезкор огоҳлантириш ёки мижозларни компания янгиликларидан хабардор қилиш — сервиснинг кўп имкониятларидан биридир.

Сервис ҳақида батафсил маълумотлар bedana.uz сайтида келтирилган.

BEELINE CALL

маркази кенгайтирилди

Beeline алоқа оператори call-маркази ходимларининг сонини ўтган йилга нисбатан ўртача 15 фоизга оширди.

"Бизнинг call-марказимизда юзлаб одамлар ишлашади — бу Beelineнинг энг йирик бўлими ва айнан шу инсонлар абонентлар билан компания номидан мулоқот қилишади, — дейди Unitelнинг мижозларга хизмат кўрсатиш хизмати раҳбари Людмила Чайковская.

— Биз энг яхши сервис билан таъминлашга интиламиз, фақат интерактив тизимларимизни такомиллаштириш инновацияларни жорий қилиш ва ходимларга таълим бериш билан буларга эришиш мумкин. Шу билан бирга абонентларнинг сони ўсиши жараёнида ходимлар сони ортиши ҳам катта аҳамиятга эга: ушбу кўрсаткичнинг ўсиши мурожаат вақтида кутиш вақтини қисқартиради".

1 ГБ хотиранинг нархи

\$300 000	\$50 000	\$10 000	\$1 000	\$100	\$10	\$1	\$0.10
1981	1987	1990	1994	1997	2000	2004	2012

INFOGRAFIKA



Компьютерни

қандай қилиб автоматик ўчиришга қўйиш керак?

Компьютерда бирор нарса бажарилаётган ёки нимадир юкланганда, аммо ўзингиз кетишингиз керак бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Бу ишлар тугагунча компьютер олдида туришга имкон йўқ, бажарилаётган нарсаларни эса чала ҳолда тугатишга кўзингиз қиймайди. Энг маъқул йўл — компьютерни автоматик ўчиришга қўйиб кетиш.

Компьютерни автоматик ўчиришни режалаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- 1) "Пуск -> Выполнить" ёки "Win + R" тезкор тугмачалари орқали "Выполнить" дарчасини чақирамиз.
- 2) shutdown сўзини киритамиз ва сўнг истакка қараб:
 - f - компьютер ишини мажбурий яқунлаш;
 - s - ишларни сақлаш билан яқунлаш;
 - t - ўчадиган вақт сонияларда кўрсатилади.

Масалан: Shutdown -f -s -t 3600

Компьютер бир соатдан сўнг барча нарсаларни сақлаган ҳолда мажбурий ўчади.




Абитуриентлар учун

имтиҳонларга тайёрланишда ёрдам берадиган мобил дастур ишлаб чиқилди




Global Solutions компанияси Ўзбекистон Давлат тест марказининг ахборот кўмағида абитуриентларга ОТМларга кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун имкон берадиган мобил дастур яратиш ишларини олиб бормоқда. Дастур билан таништирувчи версияни Google Playдан юклаб олиш мумкин бўлди.



"MyTest" деб номланган ушбу дастур тест саволлари тўпламидан иборат. Унга босма нашрдан чиқадиган "Ахборотнома" тестлари киритилган.

Бундан ташқари, унда республика бўйича барча олий таълим муассасалари маълумотлар базаси мавжуд бўлиб,

бу фойдаланувчиларга ОТМни танлаш ва у ҳақда ахборотга эга бўлиш имконини беради.



Мобил дастурни исталган киши бепул кўчириб олиши мумкин. Абитуриент тест базасига кириш учун эса маълум суммани тўлайди, бунинг учун "Клик" тўлов тизими, терминал орқали ёки банк бўлиmlаридан нақд пул кўринишида тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Фаргона вилоятидаги барча станциялар тўлиқ рақамлаштирилган. Шаҳар станцияларида ўрнатилган сифим жами 127222та, қишлоқ станцияларида ўрнатилгани эса 19252тани ташкил этади. Филиалда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида Фаргона шаҳридаги 222, 224, 225, 226-АТСларда, Қўқон шаҳар 552-АТСда, Марғилон шаҳар 233-АТСда, шунингдек, Қувасой шаҳри, Фаргона, Бувайда, Бешариқ ва Олтиариқ туманларида жами 11та "Ягона ойна" хизматларини сотиш офислари миждозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Фаргона шаҳридаги 25та кўп қаватли уйлар ФТТ лойиҳаси бўйича, яъни бинога қадар оптик толали алоқа кабеллари ётқизирилиб, абонентлар интернет, IPTV, IP-телефон хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Вилоятдаги 78та умумтаълим мактабига "Электрон таълим" лойиҳаси доирасида жами 50 км.дан ортиқ оптик толали алоқа кабеллари ётқизирилиб, ўқитувчи ва ўқувчиларда маълумотлар олиш ва узатиш, электрон таълим, электрон кутубхона ва бошқа замонавий хизматлардан фойдаланиш имконияти юзага келди. Яна 15та касб-ҳунар коллежига 100 км.дан ортиқ масофага оптик толали алоқа кабеллари ётқизириш ишлари олиб бориляпти.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим



Фаргона
вилояти

Ўзбекистон гавҳари дея қабулланиб келинган, энди эса замонавий меъморчилик талаблари асосида чирой очайтган Фаргона шаҳрининг бугунги гўзаллигини таърифчи тавсиф этмоққа қалам ожизлик қилади.

Хусни жамолингдан айланай, Фаргонажоним!

Аэропортнинг янги биноси, Сув спорти саройи, аҳолининг муносиб яшаш учун яратилаётган шарт-шароитлардан ҳайратингиз ошади. Агроф-тевараги 40 гектарли майдонда манзарали дарахтар, ям-яшил майдонлар билан ўралган муҳташам Санъат саройига кўзингиз тушиши билан баҳри дилингиз очилиб кетади. Фаргонажоним, янгиланган чиройингни кўрсатганингга шукр! Айниқса, оқшом ёритгичлар ёқимли шуълалар сочганида, муздеккина кумуш томчиларини сочганча фавворалар куйларини таратганда бахт-саодат суруридан қалб яйрайди. Фавворалар чаманида чопқиллаб ўйнаб юрган болажонларнинг шодон кулгулари ташвишларни ариятган, чехралари шукронаи неъматдан ёришиб кетган бувижонларни кузатсангиз ҳам чарчоқлар бир зумда унутилади, вуждларга қўшиқлар инади. Тиллардан "Хусни жамолингдан айланай, Фаргонажоним!" мадҳи тушмайди.

Ҳа, Президентимизнинг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Фаргона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини куриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бунёдкорлик тадбирлари ҳаёт тарзимизни, ўзимизга, меҳнатимизга муносабатимизни тубдан ўзгартириб юборди. Бу бунёдкорлик юмушларида алоқа корхоналари жамоаларининг ҳам камтарингина ҳиссалари борки, бундан улар ҳақли равишда фахрланишади.

АСРИЙ

Ғайрат-шижоат сарбаланд бўлсин!

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг юқори даражада юксалиши ва равиқи йўлида фаолият юритган "Моҳир алоқачи" уювони соҳиблари орасида Абдуваҳҳоб НАЗАРОВ ҳам бор. Қирқ йиллик тажрибага эга алоқачи "Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали Бағдод телекоммуникациялар боғламасида электромонтёр, муҳандис, катта муҳандис вазифаларида ишлаб, ҳозирда фахрийлик гаштини сурмоқда. Яқинда Абдуваҳҳоб ака филиалда бўлди. Филиалда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар моҳир алоқачининг таърифи давомида олган таассуротларида жам бўлган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Филиалга келганимда ёшларга жадал ривожланаётган соҳамизда меҳнат қилиш қанчалар шарафли эканлиги ҳақида дилимдагиларни айтдим.

Шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида "DTS-1100" DAEWO, "C&CO8" HUAWEI, "SI-2000", "SI-3000" Iskratel, "Коинот ЭЛ-СГМ" русумли рақамли станциялар ўрнатилганидан хабарим бор. Эндиликда вилоятимиздаги барча станциялар тўлиқ рақамлаштирилибди. Демак, бу сифимлардан тўла фойдаланишни кўзлаш керак.

Менга жуда маъқул бўлгани, филиалда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 11та "Ягона ойна" хизматларини сотиш офислари миждозларга тезкор ва пухта хизмат кўрсатиб келаётгани бўлди. Бу офисларда Uztelecom, Uzonline, Uzmobil брендлари остидаги телефон, интернет, мобил алоқа, IPTV каби барча турдаги хизматларга уланиш, тўловларни амалга ошириш, Set-top-box рақамли телевидение тунерларини сотиб олиш хизматлари тақдими этилаётганининг нафи сезиларли ошгани собиқ алоқачи сифатида мени ҳам севинтирди.

TATU Фаргона филиали, алоқа, ахборотлаштириш ва компютер технологияларига ихтисослаштирилган еттига касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани жуда соҳ бўлибди. Уч томонлама тузилган шартномалар асосида TATU ва коллежлар битирувчилари иш билан таъминланаётгани, бешта касб-ҳунар коллежига оптик толали алоқа кабеллари ётқизилгани, коллежларга филиал хизматларини намоён шувчи стендлар, кўргазмалар куруллар ҳамда ўқувчиларнинг амалиётда қўлланишлари учун турли рақамли алоқа қурилмалари ва аппаратуралари, ўлчов асбоблари, узатиш тизимлари топширилгани ҳам беҳад хайрли ишдир. Раҳмат, асло кам бўлманглар!

Қаранг, янгилликлар жуда кўп. Фаргона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари телекоммуникация тармоқларида фойдаланиб келинган 60 000 сифимли маънан ва жисмонан эскирган АТСлар янги станцияларга алмаштирилибди. Учта шаҳарда жами 48 дона, 70848 сифимга эга MSAN русумли станциялар ўрнатилгани,



Абдуваҳҳоб НАЗАРОВ ёшлар даврасида.

80 км. масофада оптик толали алоқа кабеллари ётқизирилиб, станциялар боғлангани... Эҳ-ҳе, бу ишларнинг шарофати, менимча, одамларнинг моддий, маънавий ҳаётига фойдаси кўп куттирмайди.

Шу йил апрел ойдан бошлаб, Чақирқларга хизмат кўрсатувчи ягона марказ — Call Center очилиб, ўн нафар ёш мутахассис юксак маданият билан хизмат қилишаётгани кимни суюнтирмайди, дейсиз. Улар миждозларга юзага келган муаммолар сабаблари, уларни бартараф этиш бўйича йўл-йўриқ, маслаҳатлар беришмоқда. Зарур ҳолатларда техник кўмак гуруҳини юборишмоқда. Биз бундай хизматларни ухлаб, тушимизда ҳам кўрмагандик. Энг сўнгги техника ва технологиялар муваффақият билан жорий этилиб, янги қурилмалар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган экан, янада яхшироқ ишлангларки, сўровлари-синовлари бор. Ғайрат-шижоатни сўндирманг. Юзингиз ҳаминша ёруғ бўлсин, болаларим, дейман.

Абдуваҳҳоб НАЗАРОВ,
"Моҳир алоқачи" уювони соҳиб



TATU Фаргона филиали:

- 1733 бакалавр, 60 нафар магистр тайёрлади.
- Ҳозирда 1187 нафар талаба таҳсил олмақда.
- Бу йил қабул режасига кўра, бакалаватурага 285 нафар, магистратурага 9 нафар талаба қабул қилинади.
- 83 нафар профессор-ўқитувчилар хизмат қилмоқда.

Фарғона вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси:

- * Ярим йиллик бизнес режаси 1585000,0 сўм ўрнига 1656650,0 сўмга адо этилди.
- * Шу йилнинг олти ойида Фарғона шаҳрига учта замонавий "Матбуот дўкони" ўрнатилди.
- * Автошиналар сони 8тага өтди.
- * Бешариқ компьютер технологиялари ва сервис касб-хўнар коллежига 500000 сўмлик ёрдам кўрсатилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали:

- * Почта алоқаси тармоқлари сони 19та, алоқа бўлимлари 290тадан иборат.
- * Жорий йилнинг олти ойида 52та компьютер, битта сервер компьютер олинди ва компьютерлар сони 320тадан өшди.
- * 2014 йилда жами 59 минг 739 донга газета-журналларга обуна қилиниб, режа ортиғи билан бажарилди.



сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

орзулар рўёби

Бахт ҳавода эсмайди

ТАТУ ва унинг Фарғона филиалида керакли мутахассислар бўлиб алоқа корхоналарида иш бошлаган навоқирон ёш йигит-қизлар ҳалол меҳнатлари билан ўз олий ўқув юрталарининг нуфузини оширишга бел боғлаганлар. Кимб, тиббиёт, астрономия, фалсафа ва адабиёт соҳаларида өтук олимлар ва мутафаккирларни етиштирган ўзбек заминида ахборот технологиялари алломалари камолга етаётган бўлса не ажаб! Ҳозирча уларнинг аксарияти почта ва телекоммуникация соҳалари жамоаларидан муносиб ўрин олиш нистағида бутун зеҳин-билимини ишга солиб, меҳнат қўникмаларини эгалламоқдалар. Почта соҳасида яқинда уларнинг беш нафари ишга киришган бўлса, яна уч томонлама шартнома тузган тўққиз нафари ишга келади. Телекоммуникация йўналишида ўн нафар ТАТУ битирувчиси жамоада иш бошлаш арафасида.

ТАТУ Фарғона филиалини тугаллаб, соҳада иш бошлаганимга бир йилдан өшиб қолди. Касбга бутун меҳримни беришга аҳд қилган бўлсам ҳам ишга киришиб кетиш, бўлим фаолиятининг тағ-заминига етиш осон кечмади. Бир сония бўлсин, буш вақт йўқ. Эрта тонгдан то кечгача пенсия тўловини назорат қилиб, маълумот олиш, қайд этиб бориш аввалига ҳам зерикарли, ҳам машаққатли туюлди. Лекин хизматлар мазмун-моҳиятига етиб, почтанинг халқимиз ҳаётида тугган ўрнини тушуниб олғач, иш жараёнлари м илдамлашиб кетди. Тезкорлик, пухталик, аниқлик - жуда зарур талаблар экан. Ана шу фазилатларга бир қадар эришдим чоғи, ҳозир янада масъулиятлироқ ишларни ишонияпти. Бунинг учун устозларим Шухрат Бўриев, Муродил Маҳмудов, Юлдузхон опа Абдуллаева ҳамда Манзура опа Иброҳимовалардан миннатдорман. Уларнинг талабчанликлари сабаб иш ўрганиш заҳматларини енгишга қўникдим, касб сир-синоатларини эгаллашман.

Сафимизга ТАТУ ва ТАТУ Фарғона филиалида таҳсил олган Ислөмбек Нурматов, Барнохон Акбарова, Абдуллоҳ Раҳимов, Одилжон Раҳматовларнинг келиб қўшилгани айна муддао бўлди. Мен уларни аҳил ва улкан жамоада иш бошлаганлари билан қутлар эканман, "Бахт ҳавода эсмайди, бахт меҳнатдан келади" ҳикматиини бир сония бўлсин



Биз почтада иш бошладик.

унутмасликларини сўрардим. Меҳнат "имтиҳон"ларидан ўтаётган биз каби ёшларга буюк алломаларимизнинг меҳнатсеварликни талқин этган ҳикматлари дадда, қувват бўлади, деб ўйлайман.

Ҳоқимжон НАЖМИДДИНОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Фарғона филиали почта алоқасини
ташқил этиш бўлими мутахассиси

Яхши дам олган — яхши ишлайди

Хар тонг оиламдаги хотиржамлик ва саодатмандликдан бахтиёр ишга йўл оларканман, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаб, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар самарасини дилдан ҳис этаман. Узоқ йиллардан буён почтанинг қайноқ иш жараёнларида иштирок этдим. Энди бошланғич касаба уюшмаси қўмитасига раисликни ишонийди. Бу мен учун катта масъулият ва шараф.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда 7 май — Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан ташқил этган байрам тадбиримизда инсонга ҳурмат кўрсатишнинг самарасига ҳаммамиз шөхид бўлдик. Дунёда кўнгил олишдан ҳам олий иш бўлмаса керак. Фахрийлар ва ишчи ходимлар — жами 70 нафар иштирокчига қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширдик.

"Косонсой", "Чимён", "Раққон" сийҳатгоҳларида саломатликларини мустаҳкамлаб келган Нуъмонжон Тошқўзиёв, Махситали Аҳмедов, Салимахон Тиллабоева каби ходимларнинг янги куч, янги гайрат билан ишга тушганлари рост. Зеро, яхши дам олган — яхши ишлайди, дейдилар.

Соғлом бола йилида ҳамкасбларимизнинг 212 нафар фарзандини "Коинот", "Нихол", "Юлдуз" оромгоҳларида белул соғломлаштирганимиз бўлди.

Алижон ИБРОҲИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Фарғона филиали БКУҚ раиси

Келажакка эътибор



Вилоят АКМ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан белгиланган чоратadbирлар муваффақиятли адо этиб келинмоқда. Бу йил ўтказилган тадбирлар орасида Ҳазрат Навоий, шөх ва шоир Бобур таваллуд айёмларига ҳамда Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тантаналар, таниқли адиб, шоирлар билан учрашувлар, кўрик-танловлар, "Китобхонлар байрами", аинқиқа, таассуротларга бой бўлди.

Қўшаҳифа материалларини Фарғона вилоятидаги мухбиримиз Ҳафиза САЛЯҲОВА тайёрлади

ФАКТ

Аҳмад Фарғоний
номдаги вилоят АКМ:

- * 115 йил олдин кутубхона ташқил этилганда китоб жамғармаси 853та бўлган бўлса, айна кунда бу рақам 31697га өтди.
- * 470 номдаги 949 электрон ресурслар эса 820 номда 1443 донга ўсди.
- * Электрон каталогда 143291 ёзув киритилган, шу жумладан, 140677 ретроввод ЭР, 2228 нодир адабиётлар, 258 музей фондидаги адабиётлар, 128 онлайн ресурслар.
- * 2014 йил ярим йилликда АКМга қатнов 92764тани ташқил қилди.

Компютер ва интернет бизга инъом этган чексиз имкониятларни албатта ҳайрат билан тилга олишимиз ва бундан қувонишимиз аниқ. Қолаверса, ҳеч қаерга овера бўлиб бормасдан ва ҳеч кимга пул тўламасдан бир ниманидир ўрганиш имкони бўлса қандай соз. Аммо...

ЭЗГУЛИК НИҚОБИДАГИ ЎВУЗЛИКЛАР

"Виртуал мактаб"даги беҳаёлик,
ахлоқсизлик ва саводсизлик

Болаларимиз бундай иллатларни кимдан ўрганишмоқда?

"Мушук текинга офтобга чиқмади", "Арзоннинг шўрваси татимас" деган мақоллар бекорга ўйлаб топилмаган. Гап шундаки, бу ерда ҳеч қанақа текин ўқитадиган виртуал мактаб ҳам, виртуал ўқитувчи ҳам йўқ. Фақат, виртуал мактабликка даъво қилаётган ижтимоий тармоқ odnoklassniki.ru бор, холос. Сиз, бу шунчаки суҳбатлар учун мўлжалланган тармоқ, десангиз адашасиз, ота-она фарзандига ном бераркан, фарзандидан кутаётганини унинг номида ифодалайди. Демак, бу тармоқ суҳбатдан ташқари одамларга ниманидир ўргатишни мўлжаллаган? Аммо, нима? Ўргатоқчи бўлган нарса ижобийми ёки салбий? Ўқитувчилар кимлар? Бу "виртуал мактаб"нинг ўқитишда қўллаётган методикаси нима? У неча ёшдагилар ва қайси тоифадагилар аудиториясига мўлжалланган?

Бир-бирингизни ўқитинг

Тармоқнинг аъзолари бир-бирлари билан синфдош бўладилар ва бир-бирини ўқитадилар. Энг қизиғи шундаки, ким кимга нимани ўргатиши аҳамиятсиз. Улар, ўзлари ёққан мавзуда гуруҳ яратиб, ўша гуруҳга истаган одамларини чорлашлари мумкин. Бундан ташқари, кўнглига келган материални жойлаб, уларга класс босиб тармоқ ичида тарқатишлари мумкин.

Ўқитишда:

Нафақат ёзилаётган материалнинг илмийлиги, асосланганлигини текширишнинг имкони йўқ, балки жумлалар қайси тилнинг қайси шеvasида ёзилаётганини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Юкланаётган суратлару видеолар кимга ва қайси аудиторияга бағишланганини эса умуман ажратиб бўлмайди.

Исталган одам исталган одамга маълумот йўллай олади.

Исталган номда,
исталган жойдан,
исталган ёшда
рўйхатдан ўтинг

Рўйхатдан ўтаётган ва бир-бирига синфдош бўлаётган одамларнинг ёши, жинси, қизиқиши ва бошқа маълумотларига аниқ бир метр белгиланмаган. Олтиинч ёшлардаги бир эркек бе-

малол 15 ёшлардаги қизга синфдош бўлиши мумкин.

Буни ўқиб, сиз хулоса чиқаришингиз аниқ: бу "виртуал мактаб"нинг директори ва конкрет ўқитувчилари йўқ ва кимнинг ким эканини компютер аниқлай олмайди, барча муаммо шунда.

Ҳа тўғри, тармоқ кенг ва шунинг учун ҳам унинг маъмур ва модераторлари буни назорат эта олмас. Аммо, бу шунчаки унчалик чуқур фикрлай олмайдиган инсонларни чалғитиш воситасидир. Бу фикрни исботлаш учун келинг, статистика билан ўртоқлашайлик. Тармоқдаги 90 фоиз мавзу парнография, ҳирсий бузуқликни ҳамда диний тарғибни ўз ичига олса, 9 фоиз маълумот ҳажвия, юмор ва кимларнингдир, ниманидир устидан мазах қилишдан иборат, атиги бир фоизигина фойдали маълумотлар бўлади. Бу, албатта, норасмий статистика ва бундай статистика ҳеч қачон ошкор этилмайди. Ҳар қандай ақли расо одам бу норасмий, аммо реал статистикани исталган синфдошлари кўп бўлган профилдан осон йиға олади. Яъни, бу профилнинг янгиликлар тасмасини кузатар экансиз, бир томонда беҳаё видеороликлар, бир томонда ахлоқсиз, шир яланғоч қизларнинг сурати, бир томонда эса бунга тамомла зид бўлган "Аллоҳ учун 1000 класс!!!", "Муъжизани қаранг: ким мусулмон бўлса класс!!!", "Аллоҳни сеvasизми? Унда класс босинг" мазмунидаги широрлар ёзилган суратларга кўзингиз тушади.

Реал статистика

Myshared.ru сайтидаги статистик тақдимотда таъкилланишича, кейинги 13 йил ичида интернетдан фойдаланувчилар сони Ўзбекистонда 7500тадан 10 050 000гача кўтарилган. Бир ой ичида 45 000 000 фойдаланувчи odnoklassniki.ru сайтига таширф буюраркан. Шу пайтгача 7 000 000 фойдаланувчи odnoklassniki.ru рўйхатидан ўтган бўлса, шундан 1 500 000таси кунда ишлатиларкан, 2 500 000таси эса мутлақ бир ойлик аудиторияни ташкил қиларкан. Ўзбекистонликлар аудиторияси бир кунда ўртача 10,5 млн. хабар ёзаркан, 450 мингта шарҳ қолдираркан, 800 мингта класс босаркан, 120 мингта янги сурат юклаб, 300 мингта видео кўраркан. Жинс бўйича ажратилса, 62,3 фоиз аёл, 37,7 фоиз эркек ундан фойдаланаркан, аёлларнинг 15,7 фоизини 24 ёшгача бўлганлар ташкил қиларкан, умумий ёш бўйича олиб қараганда, 25,4 фоизини 24 ёшгача бўлган одамлар ташкил қиларкан. 750 000 фойдаланувчи тармоққа мобил телефондан кираркан. Ўша рақамнинг 70 фоиз улушини Android амалий тизимида ишлайдиган телефонлар ташкил қиларкан. Расмий статистик маълумотлардан келиб чиқаттики, фойдаланувчиларнинг қарийб тўртдан бир қисмини аини фойдали билим олиш, келажак пойдеворини куриш ёшидаги ёшлар ташкил қиларкан, бу

расмий ва норасмий статистика бирлаштирилса, хавф янада очилади. Бу хавфни ҳеч ким кўрмапти деб ўйлайсизми? Ёки буни тўхтатишни иложсиз деб ҳисоблайсизми? Ёки улар одамлар эркин гаплашсинлар дея "зўр" имкон яратиб берганлар деган фикрдасизми? Тармоқнинг кўп қисмини айнан парнография ва диний мазмундаги материаллар ташкил қилиши бу инсон хоҳиши натижаси деб биласизми? Тўғри, инсонлар икки хил тоифага бўлинадилар: шайтон йўлидан ва Раҳмон йўлидан юргувчилар. Аммо, маълумотларни ёзаётганларни бу икки тоифага мансуб улкаларда бўлиб ўтган ва ўзларича "Араб баҳори" дея ном берган бу бузғунчиликлар ортида ушбу "мактаб"нинг ўрни "беқибс" бўлган ва бунда ёшлар асосий фигурант бўлган...

Ислому дини ҳақида гапирганда, Президентимиз И.Каримов "Биз ўз миллатимизни мана шу диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз... Халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётини, дину динимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда" деган эди. Класс босиб тарқатишга уринаётган ва уларни бошқараётган олифталар эса, наҳотки, чин мусулмоннинг Аллоҳга севгиси пинҳона бўлишини билмасалар, наҳотки, фаҳш суратлар ва видеолар билан тўлиб-тошган тасмаларга муқаддас калимларни жойлашдан кўрқмасалар?! Ҳаммаси аён бўладики, бу "виртуал мактаб"нинг мақсади бир фоизни ҳам ташкил қилмайдиган эзгулик ортига яширинган ёвузликдан иборатдир.

Ҳаммасини жамлаб битта хулосага келамиз, бу тармоқнинг мақсади одамларнинг қизиқишидан фойдаланиб, келажакимиз бўлган ёшларни ҳозирдан ахлоқсиз, саводсиз, кўпол, беҳаё қилиб тарбиялаш ва энг муҳими, жамиятда бўлаётган эзгу ишлардан чалғитишдан иборатдир.

Ойбек АЛИЕВ,
ТАТУ Урганч филиали
магистранти

Бунёдкор ёшлар

Аҳолининг компютер саводхонлигини оширишда иштирок этмоқда

Самарқанд вилоятининг барча туманларида ТАТУ Самарқанд филиали талабалари томонидан "Республика ҳудудлари мактаблари, ўрта-махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ёшлари ҳамда аҳолига интернет тармоғида ишлаш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билимини ошириш" ўқув дастури доирасида ўқув машғулоти олиб борилмоқда.

Талаба-ёшлар ўқув йили давомида олган билимларини мустақамлашлари, амалиётда жорий этишларига шароит яратиш мақсадида ҳудудлардаги касб-хунар коллежларида компютер саводхонлиги марказлари ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, аҳоли ҳамда ҳудудлардаги ташкилот ва корхоналар ходимларини замонавий ахборот технологияларидан хабардор қилиш имконини берапти.

Филиалдан "Бунёдкор ёшлар-2014" тадбирига жами 148 нафар талаба жалб этилган бўлиб, шундан компютер саводхонлиги ўқув курсларига 76 нафар, соҳа корхоналари ходимларини ўқитишга 72 нафар талаба жалб этилди.

Ҳозирги кунга қадар талабалар томонидан уч мингдан зиёд тингловчиларга ўқув машғулоти ўтказилди ва филиал ахборот-ресурс маркази томонидан тайёрланган 3000 нусхадан ортиқ ўқув адабиётларининг электрон талқинлари, виртуал лабораториялар касб-хунар коллежларидаги марказларга фойдаланиш учун тақдим этилди.

ТАТУ Самарқанд филиали 3-босқич талабалари Н.Рофежанова, Н.Воҳидовлар Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежидида ўқув машғулоти ўтказишган бўлса, Д.Рўзиқулов, И.Мустафоевалар Ургут савдо ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидида ташкил этилган ўқув курсларида қишлоқ фуқароларини миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, жамият ва ҳаёт бошқарувининг барча соҳаларига замонавий АКТни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларига улуғ имкониятларидан хабардор қилдилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Ахборот технологиялари тараққиётига ҳамоҳанг тарзда айрим электр буюмлар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб борапти. Масалан, турли мулоқот, онлайн ва медиақурималар орқали кундалик турмушимизга кириб келган қулоқчин (наушник)ларни олайлик. Бугун қайга қараманг, кўпчилик бу ноёб қулоқчинлардан фойдаланаётганини кўрасиз. Азиз газетхон, ҳойнаҳой, "яна шу мавзунми?" деб ўйлаётгандирсиз. Бунинг сабаби оддий – бугун наинки ёшлар, қолаверса, ёши катта кишилар ҳам наушникларни кўп ишлатаётганига гувоҳ бўлаётган эканмиз, турфа саволлар урчийверади: Биз улардан фойдаланишни биламизми? Уларнинг фойдаю зарари нимада? Наушниклар қўйилочар воситани ёки дилхираликдан бошқага ярамайдими? Хуллас, саволлар кўп-у тайинли жавобнинг ўзи йўқ.

МЕЪЁРНИ УНУТМАНГ

ёки яна наушниклар ҳақида

Тарихга қайтадиган бўлсак, наушникни америкалик Натаниэл Болдуин 1910 йили ихтиро қилган бўлиб, даставвал уни ҳарбийлар ишлатишган. Наушникларнинг кенг оммалашиб кетишида XX асрнинг 70-йиллари охирида япон олимлари ишлаб чиққан плеерларнинг роли катта бўлди. Эндиликда плеерлар ўрнини уларнинг функциясини ҳам уддалай оладиган мобил телефонлар, планшетлар ва ҳоказо қурилмалар эгаллаб олди, аммо наушникнинг ўрнини босадиган восита кашф этилганча йўқ. Қайтанга у янада такомиллашиб, бир-бириндан зўрлари пайдо бўляпти.

Ҳа, наушникларнинг бориға шукр, ишдан, ўқишдан толиқиб уйга қайтаётганимизда у бизга жуда қўл келади, манзилимизни бир неча маротаба яқинлаштиради гўё. Оромбахш мусиқа тинглаб дам оламиз. "Ҳар яхшининг бир ёмони" деганидек, наушникдан фойдаланишда ҳам айрим талабларга риоя этиш керак бўладики, йўқса оқибати хунук бўлиши мумкин. Масалан, наушникни кун бўйи ишлатадиганлар бор. Кўпинча, кўча-кўйда, жамоат транспортда аксарият йўловчилар қулоқчинларда мусиқа эшитаётганларига гувоҳ бўламиз. Ҳатто, баъзида, улар эшитаётган кўшиқлар бизнинг ҳам қулоғимизга чалинади. Бунга сабаб, биз фойдаланаётган транспорт, масалан, метронинг шовқини (ўртача 90-95 децибел кучга эга), ўз-ўзидан, ҳалиги мусиқа шайдоси қулоқчинни мурватини энг юқори пардага бураб қўяди. Бу эса мия фаолияти, қулоқ эшитиш тизими ва асаб томирларига шикаст етказиб қўйиши ҳеч гап эмас. Аслида соғлом одам товуш қабул қиладиган энг паст даража 10-15 децибел, шивирлаш 20 децибел, оддий суҳбат 30-35 децибел, баланд овозда эшитиш 60-65 децибел.

Фикрлар тарозиси:

Шоҳида ЭШПҮЛОВА,
Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти талабаси:

— Мен наушник орқали мусиқа тинглаб, китоб ўқишни ёқтираман. Ижод қилмоқчи бўлсам, албатта, қулоқчин тақиб оламан. Бу мен учун одат тусига айланган, шу орқали диққатимни бир жойга жамлайман. Агар мен ахборот-кутубхонага китоб мутуолаа қилишга борсам, қулоқчинни тақиб оламан, чунки атрофимдаги шовқин мени чалғитиши мумкин. Шунинг учун ҳам наушникдан доимий фойдаланаман ва ноқулайлик сезмайман.



га тенг эканлиги аниқланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қоплама наушниклардан кунига узоғи билан бир соат фойдаланиш мумкин, қулоққа тикиладиган наушниклар учун бериладиган вақт икки мартабагача қисқаради. Агар наушниклардан мунтазам фойдаланилса, баланд ёки паст овозда бўлишидан қатъи назар, инсоннинг эшитиш қобилияти пасайиб, қарликкача олиб келиши мумкин экан.

Баъзан қулоқларида наушник, қўлларидида китоб ушлаб олган ёшларни кўрагимиз. Булар китоб ўқияптими ёки мусиқа тинглаяптими?.. Қулоқнинг қабул қилиш, эшитиш тизими орқали четдан келаётган маълумот таҳлил қилиниб, бош миязининг ахборот бўлимига узатилади. Энди шу жараён наушник орқали содир бўлса, қулоқчиндан келаётган сигнал бош миёга "мусиқа" деган таҳлил боради. Натijaда ҳар қайси қулоқ ўзи учун таҳлил жараёнини бошлайди. Қўшни қулоқ қабул қилган товушни буниси қабул қилмайди.

Замонавий қурилмалар, хусусан, наушникнинг инсон саломатлигига таъсири, табиийки, дунё миқёсида ўрганиляпти. Масалан, Европа Иттифоқидида плеерларни чиқаришда уларнинг товуш баланглигини чегаралашни кўрсатиш, яъни децибелни 80дан оширмастик тавсиясини ҳар бир плеернинг қўлланмасига кириштириш мажбурий этиб қўйилди. Бироқ бунинг ўзи старли эмас, назаримизда. Ҳеч кимни айблаш ниятида эмасмиз, аммо катталар ёшларга ўрнатилган бўлишлари керак эмасми?! Нега соғлигимиз учун хавфли эканлиги кўрабила туриб, меъёрни унутамиз, парвона каби олов билан ўйнашамиз?! Нима бўлганда ҳам келажагимиз — ёшларимизнинг тақдирига, соғлиғига бефарқ бўлмайлик.

Шоҳруҳ САИДОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

Содиқ АБДУЛЛАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси:

— Олдинлари наушникдан мунтазам фойдаланардим, уйдаими, кўчадаими, қулоғимдан тушмасди. Негадир кейинги пайтларда бошим, қулоғим қаттиқ оғрийдиган бўлиб қолди. Сабабини шифокорга бориб билдим...

Наушниклар ҳатто инсон руҳияти, унинг қон босими, юрак уриши, нафас олиши, тана ҳароратига таъсир кўрсатиши хусусиятига ҳам эга экан. Психологларнинг фикрича, наушникдан мунтазам фойдаланиб юрган одамга доимий хавотир, ночорлик йўлдош бўлиб, депрессия ҳолатида юраркан, дўстлик, мардлик, раҳмдиллик, ростгўйлик, ирода, хурмат сингари туйғуларнинг акси унда ривожланиб кетиши ҳам эҳтимолда тутилган. Яна шунинг таъкидлаш керакки, аёлларнинг, айниқса, ҳомиладорлик вақтида қулоқчиндан мусиқа тинглаш оdatи ривожланаётган ҳамилага жуда кучли таъсир ўтказиши мумкин экан.

Тадбиркорлик

Унинг ривожини юрт тараққиётига хизмат қилади

Мамакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада яхшилаш, улар учун қулай шароитлар яратиш, текширишларни қисқартириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни ва турли говларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич бажарилмоқда.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги "Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик

субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ижросини ташкил

этиш барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси қатори унинг Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан ҳам тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, амалга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш, юзага келадиган муаммоларни масалаларни ҳал этиш мақсадида жорий йилнинг етти ойи мобайнида жойларда соҳада фаолият кўрсатаётган 14та тадбиркорлик субъекти билан учрашувлар ва 13 мартаба "Очқ эшик-

лар куни" тадбирлари ўтказилди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорларнинг алоқа соҳасидаги муаммолари масалалар юзасидан мурожаатларини қабул қилиш бўйича инспекциянинг Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан "Ишонч телефони" хизмати ташкил этилган бўлиб, бу хизмат орқали алоқа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётганлар ўзларига зарур бўлган маълумот ва маслаҳатларни олишлари мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ривожини қўшимча иш ўринларининг яратилишига, фуқаролар турмуш даражасининг янада ошишига ҳамда юрт равнақига хизмат қилади.

О.ДОБИЛОВ,

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллик байрамини муносиб кутиб олаётган Марҳамат туман почта алоқаси тармоғи ходимлари янгидан янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Почта алоқаси тармоғининг 15та алоқа бўлими бўлиб, 52 нафар почтачи туманимиздаги 164 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ундан ортиқ почта хизмати йўлга қўйилган.

Марҳаматлик

почтачилар

Туман почтачилари жорий йилда 352970000 сўмлик обуна ишларини бажардилар. Яъни, 8395 нусхадаги даврий нашрлар ўз эгаларига вақтида етказиб бериляпти. Ўн бир минг қирқ саккиз нафар пенсионерга ҳар ойда 2 млрд. 690 минг сўмлик пенсия пуллари тарқатилмоқда. Юздан ортиқ ташкилотлар, 262та фермер ҳўжалиғи, 44та умумтаълим мактаби, 15та мактабгача таълим муассасаси ҳамда олтига коллеж, битта волейбол мактаби, иккита мусика мактабига ҳам хизмат кўрсатилляпти.

"Шукур мерган" алоқа бўлимида Абдурашул Имомбердиев, "Ҳўжаарик" алоқа бўлимида Голибжон Аблаёров, "Қорақўрон" алоқа бўлимида Ваҳобжон Юсуфхонувлар бошчилигидаги жамоалар яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Хабарчиларимиздан Улугбек Охунжонов, Солижон Маткаримов, Мамасодиқ Йўлчиевлар хат-хабарлар ва газета-журналларни ўз вақтида тарқатиб, халқимиз ҳурматига сазовор бўлишаётир. Тармоқда электрон пул ўтказмалари ва Paynet хизматлари йўлга қўйилди.

Марҳаматлик почтачилар 2014 йилнинг дастлабки олти ойида режа-топшириқларини 304 млн. 803 минг сўмга бажардилар. Хат-хабарлар жўнатиш 12 минг ўрнига 24770, яъни 206,4 фоизга адо этилди.

Қўшимча хизматлар 3228,9 минг, яъни 134,5 фоизга бажарилди.

Алоқа бўлимларини замонавий бинолар билан таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, "Ҳўжаарик", "Шукур мерган" алоқа бўлимлари янги биноларда иш бошлади. Жорий йилда ходимларимиздан кўплари компютер сабоқлари курсларида ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Барча ютуқларимиз тармоғимиз ходимларининг тинимсиз меҳнатлари натижаси бўлиб, уларнинг ишбай усулида фаолият юритишлари ишларимизда қўл келмоқда. Бу эса аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизмат турларининг сифати ва ҳамининг ортин боришига, ходимларнинг ойлик маошлари ошишига сабаб бўляпти.



Суратларда: 1. "Ҳўжаарик" алоқа бўлими хабарчиси Мўтабархон ҚУЛБЎТАЕВА мижозлар хонадониди.

2. "Шукур мерган" алоқа бўлим бошлиғи Абдурашул ИМОМБЕРДИЕВ иш вақтида.

ни ўз вақтида олишаётгани ишимизнинг асосий муваффақиятини таъминламоқда.

Тумандаги почта алоқаси объектлари электрон пул ўтказмалари, тўловларини қабул қилиш тизими, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорат тизими каби корпоратив компютер тармоғига боғланган ҳолда хизмат кўрсата бошлади, меҳнатда унум ошди.

Рўйхатта олувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизимининг амалга киритилиши натижасида почтани қайта ишлаш технология жараёнини штрих-кодлар ишлатган ҳолда автоматлаштириш ва почта жўнатмаларини интернет орқали кузатиш имконияти яратилди. Қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда почта алоқаси хизматларини кенгайтириш мақсадида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ёрдами билан электрон пул ўтказмалари хизматини жорий этиш лойиҳаси асосида ишлар олиб борилиб, алоқа бўлимларида хизмат турлари анча яхшиланди ҳамда замонавий компютерлар билан жиҳозланди. Туманимиз бўйича маълумотлар ва янгиликлар ҳамда почта индекслари, ахборот ресурслари, почта хизмат тарифлари, рўйхатта олувчи халқаро кирувчи ва чиқувчи тезкор почта жўнатмалари ҳақида маълумот олиш, курерлик хизмати учун буюртма қабул қилиш каби интерактив хизматлардан интернет орқали фойдаланиш учун мижозларимизга қўлайлик яратяптиз.

Ҳалимжон АБДУХОЛИҚОВ,
Марҳамат туман
почта алоқаси тармоғи бошлиғи,
Тўраҳон ҒОҒУРОВ,
журналист

ДУШАНБА — 4 АВГУСТ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Жанубий Америка табиа...

19.30 'Ахборот' рус/. 20.05 Миллий сериал: 'Опа-сингиллар' 20.50 'Истиқлол солномаси'...

12.00 'Чархпалак', Т/с. 12.50 'Истиқлол солномаси', 13.00 'Давр'...

7.25 'Соз сеҳри'. 7.30 'Тошкент тароналари'. 7.45 'Интеллектуал аукцион'...

20.25 'Ўғай она', Т/с. 1-қисм. /Премьера/. 21.15 'Пойтахт-шаҳарлар'...

14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 АНОНС. 14.20 'Шоҳсулага йўл'...

СЕШАНБА — 5 АВГУСТ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Жанубий Америка табиа...

18.30 'Эркин обод Ватан'. 2-қисм. 18.50 Миллий сериал: 'Қисмат битиги'...

8.40 'Навоий хазинаси'. 8.50 'Ешлик навалари'. 9.10 'Эгизаклар', Т/с...

5.00 'Салом, Тошкент!' 6.10 'Аёл қалби', Т/с. 20-қисм. 7.00 'Пойтахт'...

19.30 'Тошкент тароналари'. 19.40 'Теле-маркет'. 19.55 'Навоий маҳзани'...

12.00 'SPORT-EXPRESS'. 13.00 Профессионал бокс. 13.50 'Техно-спорт'...

ЧОРШАНБА — 6 АВГУСТ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 7.00 'Жанубий Америка табиа...

18.50 Миллий сериал: 'Қисмат битиги'. 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар...


8.50 'Ешлик навалари'. 9.10 'Эгизаклар', Т/с. 9.50 'UzEX'...

5.00 'Салом, Тошкент!' 6.10 'Аёл қалби', Т/с. 21-қисм. 7.00 'Пойтахт'...

қисм. /Премьера/. 19.30 'Тошкент тароналари'. 19.40 'Теле-маркет'...

13.50 'Техно-спорт'. 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 'Sport ensiklopediya'...


ЯКШАНБА — 10 АВГУСТ



5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Табассум".
7.20 "Йоғи лақабли айиқ".
Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Олтин оху". М/ф.
9.10 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
9.25 "Иқлим".
9.30 Болалар учун фильм: "Шумтаканинг кундалиги".
11.00 "Ойдин ҳаёт". Токшоу.
11.45 "Қунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мўъжизалар макони".
13.25 "Хушчақчақ".
13.50 Ҳинд киноси: "Акаш ва Вани". Премьера.
16.10 "Иқлим".
16.15 "Алиса мўъжизалар мамлакатида". М/ф.
17.20 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
17.40 "Сунги чоралар". Б/ф.
19.25, 20.00. 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
20.05 "Узингни англа". Токшоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Заковат".
22.40 "Шурланак".
23.05 "Олсидга яқинлик". Б/ф.
00.25 "Иқлим".
00.30- 00.40 "Қунларнинг бирида".
00.40 Кўрсатувлар дастури.
00.45 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
1.30 "Узингни англа". Токшоу.
2.15 "Шарқ тароналари".
2.30 "Иқлим".
2.35 "Мўъжизалар макони".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Таҳлилнома".
4.40 "Заковат".
5.40 - 5.55 "Қунларнинг бирида".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Олтин микрофон".
7.00 "Зумраша".
7.10 "Мультфильмлар".
8.00 "Гумбаз остида". Т/с.
8.50 "Куш". Ҳажвия.
9.10 "Ош бўлсин!"
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Зорро никоби". Б/ф.
12.50 "Табассум қил!".
13.10 "Зорро афсонаси". Б/ф.
15.10 "Табассум қил!".
15.30 "Таранум".
16.10 "Атлантида". Т/с.
17.00 "Соғлом авлод - миллат келажиги".
17.30 "Иван Васильевич касбини ўзгартиради". Б/ф.
19.00 "Давр ҳафта ичиди".
19.30 "Гумбаз остида". Т/с.
20.20 "Ишон-шоу".
21.10 "Бахт сароб". Б/ф.
23.30 "Мафтукур наволар".
00.00 "Сиз соғинган асарлар".
1.00 "Ватанпарвар".
1.40 "Шарқ гавҳари".
2.50 "Ҳаёт мусикаси".
3.40 "Имкон-шоу".
4.20 "Соғлом оила - соғлом бола".
4.40 "Атлантида". Т/с.
5.30-6.00 "Давр ҳафта ичиди".



5.00 "Салом, Тошкент!"
6.10 "Кўхна тоғлар афсонаси". Б/ф.
7.25 "Навий маҳзани".
7.30 "Тошкент тароналари".
7.45 "Эртақлар олами".

8.00 "Салом, Тошкент!"
9.00 "Дилбандим" тележурнали.
9.30 "Ro'yakht news".
9.50 "Мисли гавҳар".
10.05 Ҳинд киноси: "Ҳамроз ёхуд сирли дўст".
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00". Мен сизга айтсам".
14.45 "Шириликлар мамлақати". М/ф.
15.35 "Миттивойлар оиласи".
15.55 Болалар учун фильм: "Еввойи оққушлар".
17.15 "Аъло кайфият".
17.30 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси намоиш этади: "Озод ва обод юрт".
17.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Эътиқод".
18.00 "Муҳаббат фаввораси". Б/ф.
19.25 "Тошкент тароналари".
19.40 "Теле-маркет".
19.55 "Ибрат".
20.20 "Қадр ортида".
20.35". Менинг шаҳрим".
20.55 "Ўзбегим рақслари".
21.05 "Бахт кўргони".
21.30 "Теле-маркет".
21.45 "Все о туризме".
22.15 "Тихая Гавань". Х/ф. /Премьера/.
00.10 "Приливные моря". Д/ф.
1.00 "Эволюция Борна". Х/ф.
3.10 "Уйларим".
3.15 "Бизнес-пойтахт".
3.20-5.00 "Поллианна". Б/ф.



6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 АНОНС.
6.15 Байдарка ва каноэда эшак эшиш. Жаҳон чемпионати.
7.25 "Ватан шаъни".
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Sport Test".
8.15 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "ПАХТАКОР" - "НЕФТЧИ". 9.55 АНОНС.
10.00 "Маҳорат мактаби".
10.20 "Аптека слушаёт".
11.05 "Техно - спорт".
11.15 Велоспорт.
12.15 "Sport rekordlari".
12.20 "Кувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Корақалпоқ спорти".
13.15 Трамплиндан сакраш. Ёзги гран при.
14.05 "Sport ensiklopediya".
14.10 "Куч бирликда".
14.40 ИНТЕРФУТБОЛ.
16.20 "Эстафета".
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис. АТР\WТА турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орзулар кемаси".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "БУНЁДКОР" - "МАШЪАЛ". Тўғридан - тўғри олиб қўрилади.
20.50 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.55 "Спортинг маликалари".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 "Мундиал-2014" яқунлари.
23.00 Трамплиндан сакраш. Ёзги гран при.
00.00 АНОНС.
00.05 Байдарка ва каноэда эшак эшиш. Жаҳон чемпионати.
1.45 АНОНС.
1.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
3.30 АНОНС.
3.35 Велоспорт.
4.35 АНОНС.
4.40-5.50 Теннис. АТР\WТА турнири.

Равшан Эрматов

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди



2014 йилнинг 12 июн — 13 июл кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган ҳамюртларимиз эл-юртимиз ардоғида бўлиб, улар муносиб рағбатлантирилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги фармонида мувофиқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида 25 июл куни халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти —

«Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили тантанали равишда топширилди.

— Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик изҳор этаман. Бундай эътибор ва ғамхўрлик келгусида янада юксак марралар сари рағбатлантирди, — дейди Равшан Эрматов. — Жаҳон чемпионатида биз не-не улуг алломаю мутафаккирларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканимизни, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмадлигимизни исботлашни мақсад қилганимиз ва бу эзгу мақсадимизга етишимиздан хурсандимиз. Учрашувларни ҳатосиз бошқаришимизда халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол муҳлисларининг ишончини оқлаш масъулияти бизга катта кучгайрат бағишлади.



Терма жамоа

ўқув-машғулот йиғини ўтказди

Жорий йилнинг 19 сентябр — 4 октябр кунлари Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида XVII Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Нуфузли спорт анжуманининг футбол мусобақаларида 23 ёшгача футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иштирок этади. Осиё ўйинларига тайёргарлик қўраётган жамоа аъзолари пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашди. Унга жалб этилган футболчилар йиғин доирасида олий лиганинг қатор жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилди.

Дастлаб Наманганнинг «Навбахор» жамоасига қарши майдонга тушган терма жамоа 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўйинда «Металлург»ни (Бекобод) 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган терма жамоамиз Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига қарши кечган навбатдаги баҳса рақиблар дарвозасига жавобсиз олти тўп киритиб, йирик ҳисобида ғалабага эришди.

Ёш футболчилар сўнгги ўртоқлик учрашувини «Олмалиқ» жамоасига қарши ўтказиб, 2:1 ҳисобида зафар кучди.

Денис ва Фаррух халқаро турнирларни ғалаба билан бошлади

Вашингтонда теннис бўйича мукофот жамғармаси 1 399 700 долларни ташкил этган City Open халқаро турнирининг асосий тур баҳслари давом этмоқда.

Дунёнинг кўплаб етакчи ракетка усталари иштирокида ўтаётган мазкур мусобақада Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин яқкалик баҳсларининг иккинчи даврасида австралиялик Бернард Томични 6:4, 7:6 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга чиқди.

Ўзбекистоннинг иккинчи ракеткаси Фаррух Дўстов ҳам Канаданинг Ванкувер шаҳрида старт олган «Челленжер» туркумига кирувчи халқаро турнирни ғалаба билан бошлади.

Мукофот жамғармаси 100 000 АҚШ доллари билан иборат мусобақанинг яқкалик баҳси биринчи давра учрашувида Дўстов америкалик Раян Уилямсни 6:0, 3:6, 6:4 ҳисобида мағлуб этди.

Гимнастикачимиз халқаро турнир совриндори

Грузиянинг Батуми шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Латвия, Литва, Россия, Беларус, Украина ва Арманистондан 40 нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашди.

Мусобақанинг таяниб сакраш баҳсида 13,22 балл тўплаган ҳамюртимиз Вероника Орлова бронза медални қўлга киритди. Турнир ҳамюртимиз учун жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларига тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Ўзбектелеком» АК Хоразм филиали жамоаси филиалнинг Боғот тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Матқурбон НУРМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Баъзида ўз фарзандимизни тушунмай қоламиз, баъзида фарзандимиз бизни тушунмай, гапимизни қабул қилмай илжидлик, қайсарлик қилади. Бунинг сабаби нимада? Қандай қилиб кичик ёшдаги бола билан ота-она тил топиши мумкин? Ушбу вазиятда мутахассислар қуйидаги тавсияларни берадилар:



Бола билан қандай муомала қилиш керак?

■ Ота-она фарзанди билан муомала қилаётганда баъзи тамойилларга амал қилишлари лозим.

■ Боланинг боғча ёки мактабда бирон муаммо юз берса, ота-она тезда таълим муассасига бориб ўқитувчи билан муаммони ҳал қилишга уринади. Аслида мактаб (боғча)даги муаммосини айтганда бола ота-онаси билан бу ҳақда суҳбатлашишни истаيدди. Бунда ота-она уни эшита олиши керак. Болада мактаб (боғча)да ўқитувчи билан, дўстлари билан бирон муаммо юз бераётган бўлса, бунда унинг ўзи ҳам, атрофдагилари ҳам айбдор бўлмай, кўпинча ота-онанинг унга бўлган нотўғри муносабати сабабчи бўлади.

■ Бола сизга ўз муаммосини айтган вақт, болани яхшилаб тинглаб, биргаликда бу муаммодан чиқиш йўлини излаш керак. Баъзида ота-онанинг болага кераклигича эътибори ва меҳри муаммони ўз-ўзидан бартараф эта олади.

■ Бола гапирётганда гапига баҳо берманг, уни диққат билан эшитиб, айтган сўзларини қайтаринг. Масалан, "Ҳеч нарса қилмайди, атиги йўлчоқку" демасдан, "Мен тушунаман, сенинг йўлчоғинг сингани учун жуда хафа бўлдинг", дейиш уринли бўлади. Шунда бола сиз ҳақиқатан уни тўғри тушунганигини ва сизга ишонса бўлишини англайдди.

■ Суҳбат давомида шундай саволлар беринг-ки, бола ўзи муаммосини ҳал қилиш йўлини топа олсин.

■ Агар фарзандингизнинг иши сизни ранжитган бўлса (масалан, мактабдан доимий

вақтидан кечроқ уйга келди), дарров уни уришмасдан, асабийлашмасдан тушунтириб беринг. "Бугун кечроқ келганингга жуда хавотир олдим, хаёлимга ёмон нарсалар келди, сен билан бирон ёмон иш бўлдимкин, деб жуда кўрқдим" каби гапларингиз уни ўзининг қилигидан қайтаради. Кейинги сафар шу гапларни эслаб, кўнғироқ қилиб қўйишга ҳаракат қилади.

■ Болани мактаётганингиз асосли бўлсин. Ҳар бир арзимаган ишига ҳам "Яхши қилдинг, жуда ақллисан, зўрсан" демасдан, нега мактаётганингизни аниқ қилиб унга изоҳлаб беринг. Масалан, "Уканг йиқилганида кўтариб қўйганинг яхши иш бўлибди. Мен сендан фахрланаман".

■ Бола билан муомала қилаётганингизда, айниқса, жиддий гаплашаётганингизда унинг кўзларига қаранг. Юқоридан туриб болага бирон гап айтиш унда кўрқув ва итоатсизлик ҳиссини уйғотади.

■ Болани ҳақоратланг. Қандай айб иш қилишидан, мактабда қанчалик ёмон ўқишдан қатъи назар уни ҳақоратланг. Ҳақорат сўзлари болани ўзи ҳақидаги фикрига салбий таъсир кўрсатади. Боланинг ўзига ўзи паст баҳо бериши унга жамиятда ўз ўрнини топишида тўсқинлик қилади.

■ Бола билан гаплашаётганингизда мавзунини тўсатдан ўзгартирманг. Сизнинг сеvimли сериал ёки телефондаги танишингиз кутиб тура олади, лекин боланинг сизга бўлган ишончи сўниб қолса, буни умр давомида тuzата олмаслигингиз мумкин.

Ҳақданар



Баскетболчи бозордаги бир дўконга кириб деди:

— Момо, менга гилосингиздан беринг.

— Сал энгашиброқ қара! Новчалигингни! Қанақасига гилос, булар шафтоли-ку!

Дарса ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Қани айт-чи Маҳмамов, "Гамлет"ни ким ёзган?

Ўқувчи:

— Мен ёзганим йўқ, устоз, — деди. Танаффусга кўнғироқ чалинди.

— Эртага яна сўрайман, дадангдан сўраб кел, — деди ўқитувчи.

Кечга яқин Маҳмамовнинг дадаси ўқитувчига кўнғироқ қилди.

— Устоз, мен ўелимнинг яхшилаб таъзини берувдим бўйнига олди, ўелим ёзган экан "Гамлет"ни!

Ҳайрат кўчаси

Асосан АҚШ ва Германияда кенг тарқалган "3D street-art" кўча рассомчилигининг бир тури бўлиб, замонавий санъат йўналишларидан ҳисобланади. Иллюзияга асосланган бу суратлар кишида ҳақиқийдек тасаввур ҳосил қилади. Улар бошқа стрит-арт суратлари каби кўча ва биноларга чизилади. Қуйидаги суратлар санъатнинг ушбу ажойиб йўналишига оид ҳайратланарли намуналари ҳисобланади.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгалигига қайтарибмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиққади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Мавзю: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-865 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўғоғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10992 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бувейдор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслимдин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Луфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-30

Бухорода
715-87-21

Гулистонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
240-18-05

Қаршида
(93)931-08-99